

25789

10 0

10 25789
0

Қобилжон Юнусов

БУ ДУНЁ



2000A-3100

Қобилжон ЮНУСОВ

БУ ДУНЁ

(шеърлар)



«ҲАЁТ» нашриёти.
Андижон — 2000 й.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қамчибек КЕНЖА
Заҳиридин МУҲИДДИНОВ
Исмоил ТҰЛАК
Усмонжон ШУҚУРОВ
Фарид УСМОН

Қобилжон Юнусов шеърларида фидоий, ватаапарвар инсон қалби, кузатишлари, мушоҳадалари самимий, илиқ мисраларда ифодаланади.

Үйлаймизки, бу шеърлар бадиият мухлисларини ҳам бефарқ қолдирмайды.

ХГ — ЮҚ — 21-23 — 2000.

Қобилжон Юнусов. Бу дунё (шеърлар)

© «Ҳаёт» А. 2000 й.



25789

10 0

БЕШИК

Ранглари ўчган бу ёғоч қасава,
Қанчалаб уйқусиз тунларга гувоҳ.
Бир лаҳза қилолмай ором ғалаба,
Кўкда ёш тўқкандир балки юлдуз, моҳ.

Тебраниш сонини сананг-чи, қани,
Айтилган аллада саноқ бормикан?
Тунда бир лаҳзалик бедор мижжани
Тортувчи тарози, қадоқ бормикан?

Кимнингдир ёдидан чиқар бу ҳаёт,
Онаси интизор пойлайди эшик.
Уни тебратганда кеч бўлур, ҳайҳот,
Охирги манзилга элтувчи бешик.



ЎЗБЕКИСТОНИМ

Она юрт, тарихинг ўтмишдан сўзлайди,
Жабрдан, зулматдан, қулликдан бўзлайди,
Қодирий, Чўлпон ва Усмонни излайди...
Ўзбегим, ўзлигим, ҳуррият яшнади,
Истиқлол эрк билан қадамлар ташлади.

Забардаст, заҳматкаш улуғ халқ уйғонди,
Қудратли пўртана, тўлқинлар тўлғонди,
Сояли қоялар нурларга чўлғонди,
Шавкатим ва шоним, ғурурим барқарор,
Юртимга чамани бахш этур гулбаҳор.

Яхшилар ошини ейдиган замон бу,
Ёмонлар бошини ейдиган замон бу,
Яхшилик — эзгулик, дейдиган замон бу,
Шукрлар, раҳматлар айтилур, оллоҳим,
Ёмонлар кўзлари тешилсин, илоҳим.

Йигитлар тулпорда лочин, чавандоз,
Келинлар париваш санамдек сарвиноз,
Севгидан, вафодан куйлар шеър ва соз,
Кексалар хотиржам қўл очар дуога,
Омонлик тиланар элларга, дунёга.

Ўзбекистонимсан, жонажонимсан,
Шарафу шонимсан, танда жонимсан,
Меҳрибон отамсан, онажонимсан,
Кўзларга суртамиз тупроқ, гардингни,
Жон бериб оламиз заҳминг, дардингни,

ОНА ТИЛИМ

Сўзида қўнғироқ, жаранг бор,
Ўзіда ажойиб оҳанг бор,
Бир сўзда неча хил тус, ранг бор,
Қадим туркӣ шарқона тилим,
Бу — менинг ўзбек—она тилим.

Навоий куйлади шу тилда,
Қодирий сўйлади шу тилда,
Чўлпоним ўйлади шу тилда,
Не замонда мардона тилим,
Бу — менинг ўзбек —она тилим.

Шу тилда мусиқа, мақомим,
Шу тилда орзу ормоним,
Тилимни яшнатар замоним,
Фарзандига парвона тилим,
Бу — менинг ўзбек — она тилим.

Сермазмун, серхислат, сермаъно,
Шу тилда сўйлаган не Лайло,
Анварга байт айтган ҳам Раъно,
Сеҳрга бой, жонажон тилим,
Бу — менинг ўзбек — она тилим.

Тилимни ўрганинг, ўқувчим,
Элимни ўрганинг, ўқувчим,
Дилимни ўрганинг, ўқувчим,
Муҳаббатга равона тилим,
Бу — менинг ўзбек — она тилим.

АНДИЖОНЧА

Келдингизми эсон-омон,
Қаани, уйга киринг, меҳмон.
Сизга муштоқ оқ дастурхон,
Қозонда ош андижонча.

Юрмас ҳеч ким беассалом,
Тагдор бўлар баъзан калом.
Қуруқ ваъда йўқ —вассалом,
Кекса-ю ёш андижонча.

Бироз қўпол шевамиз бор,
Майда гапга феълимиз тор,
Тарк этмайди ғоздек виқор,
Чуст дўппи, бош андижонча,

Баъзан айниб турар ҳаво,
Эсиб қолар майин сабо,
Сўлим иқлим дардга шифо,
Кўкда қуёш андижонча.

Тер тўқади бобо деҳқон,
Тандир тўла қипқизил нон,
Меҳмон ўзи —шарафу шон,
Сабру бардош андижонча.

Ҳашар билан уй қуришар,
Тартиб билан тўй қилишар,
Оғир кунда бир туришар,
Қон-қариндош андижонча.

Иигитлари эпчил, чаққон,
Тан бермоқда бутун жаҳон,
Қизларига баҳшида жон,
Ул қаламқош андижонча.

ОИЛА ҲАҚИДА ҚҰШІК

Менинг бахтли оилам бор — саодатим бор,
Оиламда тинчлик шиор — ҳаловатим бор.
Менга содиқ йўлдошим ёр — садоқатим бор,
Қўлларимда куйлади тор — нафосатим бор.

Хаёт гүзал, турмуш аъло —
халқым бебаҳо,
Күшлар тонгда куйлар наво,
ёқимли сабо,
Бахтсиз эмас Кумуш, Раъно —
севгида ҳаё,
Гүзал ҳаёт малҳам, даво,
яхшилик раво.

Хар бир уйда таълим, китоб,
маърифат яшар,
Осмонимда кезар офтоб,
боғларда ҳашар.
Деҳқон чигит экар шитоб,
ҳосили тошар,
Тинчлик деган бизнинг хитоб
тоғлардан ошар.

Юртимизда қызлар дилдор.
Йигитлар хүштор.
Хар қадамда чаман, гулзор,
Яшнар гулбаҳор.
Тўй базмини безар гулёр,
Бу гўзал диёр,
Юртбошимиз доим сардор,
Паноҳимиз бор.

ОНАЖОНИМ

Феълим нечун шундай экан, жаҳл қурсин,
Гап келганда гапир, деган нақл қурсин,
Шу ёшда ҳам оқсоқланган ақл қурсин,
Сизни бехос ранжитдим-а, онажоним,
Андишани унутдим-а, онажоним.

Сўзларингиз асло тахир бўлмас эди,
Юзингизда ғазаб, қаҳр бўлмас эди,
Қўзингизда нафрат, ахир, бўлмас эди,
Сизни бехос ранжитдим-а, онажоним,
Андишани унутдим-а, онажоним.

Сўзларингиз майин эди, болдан аъло,
Аллангиз ҳам эсда қолган — мисли наво,
Қўрадингиз ширин сўзни бизга раво,
Сизни бехос ранжитдим-а, онажоним,
Андишани унутдим-а, онажоним.

Айбимизни ёпардингиз паноҳ бўлиб,
Юрадингиз изимииздан огоҳ бўлиб,
Тикон кирса, кипригингиз жарроҳ бўлиб,
Сизни бехос ранжитдим-а, онажоним,
Андишани унутдим-а, онажоним.

Биз туфайли қўшнилардан етди дашном,
Биз ўйнадик, сиз кутдингиз қанча оқшом,
Шу ёшда ҳам ақл қурғур экан-дам хом,
Сизни бехос ранжитдим-а, онажоним,
Андишани унутдим-а, онжоним.

АРМОНДА ҚОЛМА

Хабар ололдингми онанг ҳолидан,
Қачон ҳайрлашган эдинг ёнидан,
Онандек талпинар кимлар жонидан,
Онанг ғаниматдир, онанг меҳрбон,
Армонда қолмагин кейин, укажон.

Рафиқанг ёнингда, тоғлар кезасан,
Болалар елқангда боғлар кезасан,
Вақтинг кўп, бемаъно чоғлар кезасан,
Онанг ғаниматдир, онанг интизор,
Армонда қолмагин, кейин, укажон.

Уйингда чор тараф қин-қизил гилам,
Жавонда кийимлар сигмайди — гарам.
Билмайсан — онингда нима бор, ё кам,
Онанг ғаниматдир, онанг муштипар,
Армонда қолмагин кейин, укажон.

Неъматлар сигмайди дастурхонингта,
Меҳмонлар ёғилар хонадонингта,
Бир ўрин топилмас онажонингта,
Онанг ғаниматдир, онанг жон фидо,
Армонда қолмагин кейин, укажон.

Ўтганда қабрига тошлар қўясан,
Ўксиниб изига бошлар қўясан,
Кўзингдан бефойда ёшлар қуясан,
Онанг ғаниматдир, онанг бир меҳмон,
Армонда қолмагин кейин, укажон.

АЁЛЛАР

Бир құли бешикда, бир құли ишда,
Ховлилар сарапжом, уйлар саришта,
Кимгадир малика, кимга фаришта,
Аёллар азиздир, аёл — муҳтарам,
Аёллар онадир, аёллар — санам.

Юраклар ёзилар сўзи сеҳридан,
Кўнгиллар овунар юзи меҳридан,
Вафосиз куяди унинг қаҳридан,
Аёллар аълодир, аёллар — барно,
Аёллар донодир, аёллар — раъно.

Кўксига жо бўлур эгилган бошлар,
Бағрида эрийди отилган тошлар,
Бир зумда қурийди тўкилган ёшлар,
Аёллар раҳмдил, аёлда шафқат,
Меҳрга айланур лаҳзада нафрат.

Меҳнатда тобланган қўллари қайноқ,
Аллалар айтғанда тиллари қаймоқ,
Қобилга кам эрур достонлар айтмоқ,
Аёллар — мўътабар, аёл — мусаффо,
Аёллар — муқаддас, аёллар — вафо.



ОҚИБАТ

Акада соғиниң бормикан,
Укалр әкага зормикан,
Кенг дунё шунчалик тормикан,
Қайларга чекиндинг, оқибат,
Не учун бекиндинг, оқибат.

Сингилдан хабарлар олинмас,
Холига назарлар солинмас,
Яхшилик жавобсиз қолинмас,
Қайларда адашдинг, оқибат,
Кимларга ярашдинг, оқибат.

Малхамга ташнадир bemорлар,
«Ха» деган сүзга ким зор-зорлар,
Иисофиј тилайди бозорлар,
Қайларда юрасан, оқибат,
Бепарво турасан, оқибат.

Дүстинг ҳам ошмайди үзидан,
Холини биласан күзидан,
Ранжима маъносиз сүзидан,
Қайлардан излайин, оқибат,
Номингни сизлайин, оқибат,

Беминнат онангнинг дуоси,
Яхшилик — отангнипг дунёси,
Бебаҳо уларнинг ризоси,
Қайлардан қайтасан, оқибат,
Келдим, деб айтасан, оқибат.

СИНГИЛГА МАКТУБ

Хар жума күн хабар олиш бурчим эди,
Холингизга назар солиш бурчим эди,
Ёнингизда бир дам қолниш бурчим эди,
Бу дунёниг ишларидан бўшай олмай,
Сизни йўқлаб боролмайман, сингилжоним.

Сизни бошга кўтармоқлик шу бўлдими,
Отам эккан меҳр гули ё сўлдими,
Дунё дея паймонамиз ё тўлдими,
Бу дунёниг ишларидан бўшай олмай,
Сизни йўқлаб боролмайман, сингилжоним.

Акангизни байрамларда кутгандирсиз,
Умид билан кўзларнинг тутгандирсиз,
Билинтириштада ёшингизни ютгандирсиз,
Бу дунёниг ишларидан бўшай олмай,
Сизни йўқлаб боролмайман, сингилжоним.

Ҳасталаниб ётганингиз эшитмабман,
Ташвишларга ботганингиз эшитмабман,
Оҳу фарёд отганингиз эшитмабман,
Бу дунёниг ишларидан бўшай олмай,
Сизни йўқлаб боролмайман, сингилжоним.

Софинч деган туйғуларим қаён кетди,
Ташвиш билан қайғуларим қаён кетди,
Бугун сокин уйқуларим қаён кетди,
Бу дунёниг ишларидан бўшай олмай,
Сизни йўқлаб боролмайман, сингилжоним.

1. ТИИМАГАЙ СОЗ

1937 йил

Тубингда қанчалаб қурбон ётибди.
Баҳори минг бора пора йил,
Қора йил, қора йил, қора йил,
Бағрингда саноқсиз армон ётибди,
Қуёшга қўл чўзиб Чўлпон ётибди.

Нақадар мудҳишсан, жаллодсан,
Кўксингда қийналган не жон ётибди.
Нақадар қўрқинчсан, фарёдсан,
Боғларда азадан достон ётибди,
Қуёшга қўлга чўзиб Чўлпон ётибди.

Тарихда қон йиласан, қора йил,
Қабрингда ғавқирон сарбон ётибди.
Мотамга кон йилсан, қора йил,
Соянгда сарғайган бўстон ётибди,
Қуёшга қўл чўзиб Чўлпон ётибди.

2. ЧЎЛПОНГА ҚАСИДА

Абдулҳамид Чўлпоним, қаерларда шаҳид кетдинг,
Кўзинѓа ёш, киshan қўлда, она юрт деб ёниб кетдинг.

Бошингда зоғ учиб пойлаб, изинг исқаб кетар қашқир,
Фам-андуҳга тўлиб бағринг армонларинг олиб кетдинг.

Қора тунда, қора кунда яшаб ҳар дам кураш қилдинг,
Бўйин эгмай маломатга қаерларда қолиб кетдинг.

Бугун ҳалқим сени қутлар, муборакдир таваллудинг,
Истиқлолдан ўзбегимга олтин уруғ солиб кетдинг.

3. ЧҮЛПОНИМ КЕЛУР

Азобдан, хўрликдан кишан тутилган,
Ҳақорат, түхматлар бағрини тилган,
Халқипинг бағрига мудом интилган,
Кўзида ёш билан Чўлпоним келур.

Асаблар қақшаган, қақшаган юрак,
Оёқлар остида чил-парчин тилак,
Руҳлари паришон, безовта, ҳалак,
Кўзида ёш билан Чўлпоним келур.

Ҳақиқат синмади, фақат букилди,
Кўзлардан ёш эмас, қонлар тўклилди,
Аламлар чокидан энди сўклилди,
Кўзида ёш билан Чўлпоним келур.

Ёнса ҳам яшайди ашъор қоғози,
Синса ҳам куйлади шонирнинг сози,
Жаҳонга тараплар мангув овози,
Кўзида ёш билан Чўлпоним келур.



4. АССАЛОМ, ЧҮЛПОН

Ассалом, Чүлпоним, ассалом, шоир,
Юз ёшинг муборак ва қутлуғ бўлсин.
Номингни мадҳ этур ҳар калом, шоир,
Мўътабар сўзларинг энг улуғ бўлсин.

Авлодлар унумас метин бардошинг,
Шеърингга тўкилган юракдан ёшинг,
Қораймас ҳеч қачон сенинг қуёшинг,
Ассалом, Чүлпоним, ассалом, шоир.

Шаънингга қилдилар туҳмату бўхтон,
Бағрингни тилдилар, оқиздилар қон,
Шунчалик чидарми биттагина жон,
Ассалом, Чүлпоним, ассалом, шоир.

Юртингда жойини топди адолат,
Абадул чекингай энди жаҳолат,
Бизларга меросдир сендан матонат,
Ассалом, Чүлпоним, ассалом, шоир.



ДҮНӨ

Нега тушунмадым мазмун, мағзингни,
Наҳотки эътиқод, имоним заиф?
Узолмай ўтяпман қанча қарзингни,
Қайсидир күнларым ҳали ҳам хайф.

Адашсам, солдилар тўғри йўлимга,
Ўзимнинг кўзларим басир эқаанми?
Қарайман тўрт мучам, оёқ-қўлимга,
Танамда ё бирор аъзойим камми?

Ўқилгай китоблар таъсири қайди,
Кумларга сингдими панду насиҳат?
Билардим — афсусдан чиқмайди фойда,
Оёқнинг остини ўйладим фақат...



БУ ДҮНӘ

Бу дүнә ташвишли дунё дейдилар,
Беайб, бенуқсон оллоң дейдилар,
Жуфт бўлиб яшасанг, бир дунё ташвиш,
Гуноҳдир яшамоқ танҳо дейдилар.

Кутмаган кишингдан жафо кўрасан,
Қилмаган айбингга жазо кўрасан,
Саҳрова бир томчи сувга зор каби
Бир умр қачон сен вафо кўрасан.


Дардингни тинглашга қулоқ топилмас,
Чанқофинг босувчи булоқ топилмас,
Ёнгувчи шамъингни ўчиргувчи кўп,
Зулматда ўтиранг, чироқ топилмас.

Акалар, укалар тийин талашар,
Дўстинг ҳам номига шундоқ қарашар,
Пул-молинг бўлганда бегоналар ҳам,
Фойдаси тегар деб изинг ялашр.

Ўғил еб кетади ўрга, дейишар,
Қизинг еб кетади қирга, дейишар.
Не учун қадрига етмадинг, нодон,
Рафиқанг ёнингда бирга, дейишар.

Ёзинг ҳам ташвишда, ташвишда қишинг,
Қайтади бошингга қилган қилмишинг.
Вактида онангдан олмадинг хабар,
Ҳеч битмай қолмасди хизмату ишинг.

Амалга минганда айланди бошинг,
Дуч келган кимсага тортилди ошинг,
Ўзагинг қирққанда ўзингнийлар
Онангнинг меҳрига зор бўлди ёшинг.



ИБРАТ

Кетар әдим йўлдан паришон,
Юрагимда кўп эди армон,
Шукр дея айтмасди забон.
Хаёлимда кошона ыуриш.
Дабдабали шоҳона қуриш,
Майшатни пинҳона сурин...

Ва қаршимдан чиқди бир кимса,
Кўлларида чириган ҳасса,
Букри экан ўзи—туғаса,
Ақли заиф, сўзи бемаъно,
Юзи қийшиқ, дарди бедаво...
Таърифини қилмайсан адo.

Пуч хаёллар тарқади шу он,
Куриб кетсин ҳийлагар шайтон,
Чалгитганди мени шу замон...
Қўзим очиб илоҳий қудрат,
Кўрсатади турфа хил суврат,
Бу бандамга бўлсин деб ибрат.



◆◆◆

Шеърларим аталмиш биронга,
Шеърни у суюрми, сўймасми.
Бошимни тўлдиридим қиронга,
Мендай у куярми, куймасми.
Уқилмай қоларми дафтарим,
Кўксимда беадад аламим,
Ғурурим билан кўп олишар
Кўп қайсар ва нимжон қаламим.



Қулоқни тиндирап сирли ёкунат,
Намиқсан хўл чойшаб—туннинг чодраси.
Гуллаган ниҳол ҳам қоп-қора сурат.
Булуғли ниқобда ойнинг чеҳраси.

Уйқуни излаган кўзлар беором,
Бўшаган болишда саргардон нигоҳ.
Бечора умидлар бўлмасдан тамом,
Ниҳоят, тонг отди, алҳамдилиллоҳ.

◆◆◆

Қақшаган асабдан вужуд қалтиар,
Ғаш күнгил чарх үриб излайди таскчи.
Васвасага ботган аёл тентирар,
Осмонда күриммас зериккан ой ҳам.

Зулматдан юрагим бўлади фижим,
Ичига ютганми шовқинни сой ҳам.
Сабримнинг либоси нақадар юпун,
Яна бир ташвишни юклайдими бош...

Оппоқ тонг, ниҳоят, фақат мен учун,
Заррин шуълаларда жўнатди бардош.
Тун нечун имиллар тонг сари секин.
Ҳаттоқи чирилдоқ чигирткалар жим,



ЕЛГИЗЛИК

Дайди ҳаёлларим овуна олмас,
Сочимиңгө оқига топилмас юпанч.
Юзларим ёмғирда ювина олмас,
Үйкүсиз тунларим имиллайди ланж.

Күлларим тирайланган совуқ деворга,
Девор ҳам шуичалик лоқайд бўларми?
Токчалар ўхшайди туви йўқ форга,
Усталар шунақа уйлар қуарми?

Фақат танҳо ўзим снгаман базур,
Туйгулар шу қадар ичи тор экан.
Шунақа ҳисларга бўладиган жўр —
Сабрли бир санам қайда бор экан?



ҚАЙТИШ

Эски гиаларни безовта қылманг,
Эслатманг ўн йилги хатларингизин.
Сукутда ўтирсам мендан сиқилманг,
Кафтимдан суғурманг кафтларингизни.

Иилларни қақшатиб ҳижронда юрдик,
Лаззатли туюлди семиз уйқулар.
Покиза ҳисларга нечун тупирдик,
Тентираб чекинди биздан туйғулар.

Ва тошга урилди дайди пешона,
Қилематга ёғилди кипоя, пичинг.
Каршингизда сўзлар яна девона,
Туйғу косасидан бир хўплам ичинг.



НАЖОТ

Нақадар судралган, суркалған түнсан,
Бутун вужудимга ўрайсан филоф.
Еңжимлаб ташладинг ёстиғимни сан,
Күксингда ғашликни этдим эътироф.

Қаңдайдир шаршалар кезар шиғирлаб,
Намойиш этасан ғалат-ғалат туш.
Ғашимни келтирап эшик тиқирлаб,
Узоқдан келмоқда йифи ва улиш.

Дераза, деворлар унсиз тұлғонар,
Хаёлда дайдийди паришон ижод.
Ва тонг ҳам эриниб аста уйғонар,
Субҳидам қўлимга тутқазар најот.



Т У Ш

Зулматни ғажијиди безовта нигох,
Тубсиз зимиңстандан излайман зиё.
Оёгим остида ўпирилар чоҳ,
Ийлт этган учқунга қўзим маҳлиё.

Оёгим шол қаби судралар вазмин —
Қаърига тортмоқда қандайдир ботқоқ.
Не учи силиқмас бу кўҳна замин,
Қадамда қандайдир шарпалар айгоқ.

Дарбадар, дардисар дайдийди шамол,
Кувлайди, қуршайди қум сочиб қуюн.
Қайдадир йиглайди силкитиб рўмол —
Ташвишли нотаниш аёллар юм-юм.

Ортимдан қувлайди қутурган ҳўкиз,
Қочишига қўймайди қўринмас қармоқ.
Сиртмоққа ўралар бўғилиб бўғиз,
Қутқармоқ бўлади қандайдир бармоқ.

Хароба уйларда ётаман ҳаста,
Чириган тўсинлар гижирлар тинмай.
Томлардан итарар кимлардир қасдан,
Тошларга тушаман оёгим синмай.

Атроф ға айланар бир кол қора ит,
Хуриши қудинга ўҳшайди, ажаб
Қўлларим ялайди — тиллари ирқит,
Мажолим етмайди қиласай десам даф.

Ва бирдан кўринар раҳматли отам,
Юзлари ёп-ёруғ, соқоллари оқ.
Зиёга чулғанаар бутун бир олам,
Қўлимда порлайди йўқотган чироқ.

◆◆◆

Күчалар паришон, йўлакларда чанг,
Тентираб учмоқда дайдиган ҳазон.
Не учун япроқда фақат сариқ ранг,
Нилуфар чечаклар чекинган қаён —
Сени тополмасдан кўзларим ҳайрон.

Кўзингга тикилиб тинди кўзларим,
Иўлингда бу жоним этилди қурбон.
Сув каби қумларга сингди сўзларим,
Бир жавоб айтмади сендаги забон —
Сени тополмасдан кўзларим ҳайрон.

Жонингга жон бўлиб яшар эдим ман,
Бир томчи ёш тўксанг, берар эдим жон.
Жисмингда қон бўлиб оқар эдим ман—
Изингни йўқотдим, йўқотдим қачон —
Сени тополмасдан кўзларим ҳайрон.





Мен кеча ёш әдим, гүзаллар
Қошимда қошини қоқарди.
Севгидан ўқисам ғазаллар,
Оҳ, кимга ёқарди, ёқарди..
Бугун-чи соchlарим оқарди.

Мен кеча Мажнундек либосда
Утганда Лайлilar боқарди.
Кимнингдир нигоҳи бирпасда
Бир дунё оловни ёқарди..
Бугун-чи, соchlарим оқарди.

Мен кеча мажнунтол—дол әдим,
Ушал қиз сув бўлиб оқарди.
Шу сувдан бир томчи ичолмай,
Ёшларим қон бўлиб оқарди..
Бугун-чи, соchlарим оқарди.



Рұхим шундай енгил, хотиржам,
Бүм бўш, жим-жит кўкрак қафаси.

Қуруқ сафсатага ўхшайди
Ёзилган мактублар нусхаси.

Суратлар йиртишга арзийди
Бақрайган кўзларда маъно йўқ.

Не ажаб, гуллар ҳам қарнийди,
Баъзида дардга ҳам даво йўқ.

Жиловсиз дайдиган оёқлар
Охири бир жойда толдилар.

Уларни алдаган саёқлар
Қайларда бенишон қолдилар.

Орзуда бир қаср бўлса ҳам,
Манглайга битилган кулба бор.

Хаёлда қолса ҳам бир санам,
Бунда бир меҳрибон одам ёр...
Рұхим шундай енгил, хотиржам,



ЮРАГИМ

Юрагим толиқди, чарчади,
Қайгадир чекинди уйқулар.
Күксимни пиёздай арчади
Бемаъни, паришон туйгулар.

Юрагим беором, санчади,
Шүргипам қурсин, деб айтади.
Юзимга күлмаклар сачради,
Булоқлар ортига қайтади.

Ёстиқнинг парлари тўзииди,
Тушларим тебратар бошимни.
Тузалган ярамни қўзииди
Шеърларим оқизиб ёшимни.

Кўзлаган манзилим йироқда,
Елмоқда ёқимли дараклар.
Умидим ҳов ўша чироқда,
Чарчаган юрагим етаклар...



— * —
Қаршымдан чиқдигиз бехосдан, ағсус,
Хали ҳам кетмабди ясама виқор.
Үша совуқ нигоҳ, үша захил тус,
Хали ҳам сиз учун гүё ифтихор.

Бир лаңза эсладим үша дамларни,
Эсладим сиз учун достон битганим.
Беҳуда чекилган қайгу-ғамларни,
Эсладим алданиб ҳайрон кетганим.

Бугун бир қийналди, ўртанди жоним,
Сизга шеър ўқишига этгандим жазм.
Сизга хайф экан аслида, хоним,
Навоийдан ўқилган бир мисра назм.



ПУШАЙМОН


Назарға илмади қанча ошигин,
Истеңзо лабида силтади құлни.
Тинглашни билмади булбұл қүшиғин,
Сүлиган гулларга тұлдирди йүлни.

Қандайдир юлдузға интилди мудом,
Тафти йүқ шуълага қаратди юзин.
Көн бүлған юраклар этолмади ром,
Бешафқат ғуури күр қилди құзин.

Хали ҳам керик-да чимирилған қош,
Одимлаб ўтмоқда йиллар ва ҳаёт,
Ёр-ёрлаб узалди қанча қыз—тенгдош,
Чимилдиқ оғуши унга эса ёт.



Эски қоғозларни титаман тоҳ-тоҳ,
Жавобсиз саргайган қанча саволлар.
Мунгли мисраларда ўрмалар игоҳ,
Кулгини қистатар эски хаёллар:
Қаро холлар учун «Хофиз бўлибман»,
Ағдар-тўнтар бўлиб кетибди дунё.
Гоҳида гуллабман, тоҳо сўлибман,
Мажнун ҳам менчалик куймабди гўё...
Фижимлаб йиртмоқчи бўлдиму, лекин
Қандайдир куч босар «наъраларим»ни.
Оҳиста жойига қўяман секин
Малҳамин топмаган яраларимни.



Ташрифинг хонамни чулғади нурга,
Кўзимни эркалар бир дона холинг.
Аччиқ сўзларинг ҳам айланди дурга,
Аразнинг ўрнини олди висолинг.

Во ажаб, шу қадар мўрт экан вафо,
Чўичакка айланди ичилган қасам.
Кетдинг а қўлимга ушлатиб асо,
Ортингдан инграпиб қолди дарвозам.

ХАЁЛЛАР

Мияда чарҳ урар турли хаёллар,
Кўчага тикилган кўзда талваса,
Ишидан қайтмаган ўғлим хаяллар,
Хаҳ, шайтон кўнгилга солар васваса.

Ярим тун мижжани кўтганда киприк,
Саланглаб келади ўғил бепарво.
Мудраган келинним очади эшик,
Хотиржам уйига бўладилар жо.



ХОТИРА

Үт бўлиб кўринди ўша муюлиш,
Тўкилиб тушибди нураган девор.
Саргайган шувоги нақадар таниш,
Мунгайган кесаклар ётур хору зор.

Қочолмай эски дард, алам дастидан,
Хотирда юлқийман ўша бир қизни.
Ёмғирда кўзларим девор остидан
Жавдираб ахтарар қадимги изни.

ЗУККОСИЗ

Н. ГА

Зуккосиз, барносиз, тилингиз бийрон,
Сўзингиз сийналар асабларимни.
Бир чимдим табассум қилмоқда вайрон
Кимгадир қўзғолган ғазабларимни.

Бир ширин боқсангиз яйрайди таним,
Бу кўзда ўт чақнар, кўрмай ёшини.
Мен бироқ, афсуски, кўтаролмадим
Нигоҳлар судраган алам тошини.

МУСИЧА

Хөвлө тинч, мусича маъюс «ку-ку»лар,
Янада терапроқ бўлди сукунат.
Қайгадир беркинди эски қайгулар,
Табиат наздимда оқ-қора сурат.

Нолувчи «ку-ку»да акс этар бир ғам,
Наҳотки қушнинг ҳам юраги ҳаста...
Дардларим қайларга кетибди десам,
Мусича куйига сингибди аста.



НЕ АЖАБ

Ҳавода муаллақ қолди илтижо,
Киприкни эзғилаб ўрмалади ёш.
Эр уйни тарқ этди—қадами бежо,
Ёлвориб талпинди хотини—фаррош.

Не ажаб, вафони ҳиёнат енгди,
⁵⁵
Бари бир айнийди айниган юрак.
Үтдай кафт бошйини силарди, энди
Илондек чирмашди музлаган билак.



ИХТИЁР

Инсофни илмайсан назарга,
Имоига ҳам урасан ханжар.
Қадриятни алмашиб зарга,
Ҳалол нондан қиласан ҳазар,
Хаёлларда кезган ихтиёр.

Ибодатга қилолмай тоқат,
Манишатга чорлайсан мудом.
Күзлаганинг ҳашам ва шуҳрат,
Маслаганинг да бабабали ном,
Хаёлларда кезган ихтиёр.

Бир инсонга бир ўрин етар,
Режа эса қирқ хона қаср.
Кимнинг кўзи тўйғанди кетар,
Ибратмасми сенга ҳеч басир,
Хаёлларда кезган ихтиёр.

Кимга вафо қилибди амал,
Менини деб ўйлайсан шу тахт.
Хушомадлар тегрангда қамал,
Боқий дейсан шундай омад, баҳт,
Хаёлларда кезган ихтиёр.

Айтилганда йўл қўйган хато,
Шу забонни узмоқ бўласан.
Сандиганинга ташилар матоҳ,
Айтгил, қачон, қачон тўясан,
Хаёлларда кезган ихтиёр?!

—————

Күнгил ғаш, юрак ғаш, ичим ғаш.
Хаәллар ҳам уйқаш, ҳам айқаш,
Тинч қўйгил мени, эй ҳазилкаш,
Оҳиста кўз юмиб бир чимдим
Покиза туйғуни топайин.

Жонга ҳам тегаркан манишат,
Қадаҳ ҳам кўринар бир даҳшат,
Илтимос, кулбамни сен бўшат,
Оҳиста кўз юмиб бир чимдим
Осуда уйқуни топайин.

Бизларга лол қолди шайтон ҳам,
Минг тусда товланди ёлғон ҳам,
Оҳиста кўз юмиб, бир чимдим
Тип-тиниқ орзуни топайин.

Қулоқлар мақтовга мослашди,
Тўхтамай елкамни силашди,
Виждон ҳам нафсга илашди,
Оҳиста кўз юмиб, бир чимдим
Иўқотган қайгуни топайин.

Ииллар ўтар ўйноқлаб, чопиб,
Бир эшик қаршимда зич ёпиқ,
Билмайман ким дўсту мунофиқ...
Оҳиста кўз юмиб, бир чимдим
Покиза туйғуни топайин.



ХИТОБ

Шукурсиз кунларинг бор эди сенда,
Май тутган ошнолар ёр эди сенда,
Шўҳликка бу дунё тор эди сенда,
Отангнинг ўгити хор эди сенда,
Навқирон ўйлайсан ҳамон ёшингни,
Саждага қўясан қачон бошингни?

Шайтонга дарс берган вақтларинг бўлди,
Ҳаромдан пул топган баҳтларинг бўлди,
Вафосиз, омонат тахтларинг бўлди,
Беқарор, бурди йўқ аҳдларинг бўлди,
Навқирон ўйлайсан ҳамон ёшингни,
Саждага қўясан қачон бошингни?

Акангга муруват, оқибатинг йўқ,
Сингилга бир чимдим саҳоватинг йўқ,
Меҳрдан озгица аломатинг йўқ,
Мана, бугун энди саломатинг йўқ,
Навқирон ўйлайсан ҳамон ёшингни.
Саждага қўясан қачон бошингни?

Мақтовчи кимсани суюб кетасан,
Оғзиға асални қуйиб кетасан,
Ҳасаддан дўстларга куйиб кетасан,
Дунёдан гуноҳни уйиб кетасан,
Навқирон ўйлайсан ҳамон ёшингни,
Саждага қўясан қачон бошингни?

Мазмунсиз ўтказдинг ёз-қишинг охир,
Кимсага наф бермас ҳеч ишинг охир,
Гўдакнинг фаяҳмича билмишинг охир,
Бөлангдаи қайтади қилмишинг охир,
Навқирон ўйлайсан ҳамон ёшингни,
Саждага қўясан қачон бошингни?

УМИД ҚИЛДИМ

Сүзласанғиз сүз тополмай, сүзингизга умид қилдим,
Күзингиздан жавоб излаб, күзингизга умид қилдим.

Яратғанга тасаннолар—ойга лола ранги бермиш,
Бутун олам ҳәеси бор юзингизга умид қилдим.

Одамлар не деса дерлар, күзга суртай изингизни,
Шукр, ҳеч кас босиб ўтмас изингизга умид қилдим.

Умид бирла яшаб келған бу Қобилға осон бўлмас,
Фақат кўнглим ўзингизда, ўзингизга умид қилдим.



УЗОҚЛАШДИНГ

Хаёлларни хазон этдинг, хаёллардан узоқлашдинг,
Саволларни завол этдинг, саволлардан узоқлашдинг.

Вафо қилған вафо кўрмиш, жафо қилған жафо кўрмиш,
Каби қанча мақол айтдим, мақоллардан узоқлашдинг.

Кўзингга зар бўлиб ёнган тиконларга яқинлашдинг,
Изингга гул экиб қўйған қароллардан узоқлашдинг.

Келиб кетмиш қаср бўлған сароб жойлар томон бординг,
Пойингга пок дилин ёзган ҳалоллардан узоқлашдинг.

Мана, охир сўзин айтганда Қобилға ишонмассан,
Садоқатда қарор топған аёллардан узоқлашдинг.

ЗАРАР БҮЛДИ

Фақат сендан умид қилдим, ва ле сендан заарар ібўлди,
Эгик бошим, Қирров сочга ҳамма энди қарап бўлди.

Қаён борсағиг ҳам әргашдим йўлингдан бир зиё излаб,
Изинг, афсус, изн бермас, йўлинг доим хатар бўлди.

Қошинг қоққан томон юрдим кўзим узмай рўмолингдан.
На ҳамроҳ бор, на мазмун бор, бу манзилсиз сафар
бўлди.

Менинг чекаан азоб, дрдим, сенинг берган макр, ҳийланг
Жигар, дўстга алам бўлди, ғанимларга зафар бўлди.

Жазойинмни ўзим тортай, вафосиздан вафо кутдим,
Қани, Қобил, сени кимлар яна ошиқ атар бўлди.



НОИЛОЖ

Хат-хабар бўлмас эса хатлар кутардим ноилож,
Айрилиқдан оразин ёддан кўтардим ноилож.

Хўп лазиз кунлар экан, кўзларим сарсон бўлиб,
Ҳов ўшал уй олдидан тинмай ўтардим ноилож.

Унга деб мен узмаган гуллар чаманда қолмади,
Соясин ҳайкал қилиб гуллар тутардим ноилож.

Суймаганга суйкалиб не қилурсан, дер дўстлар,
Багри қаттиқ ул санам деб гам ютардим ноилож.

Жисми олис кетса ҳам, доим муҳаббат ёдини
Қобилу мўмин бўлиб бошга кўтардим ноилож.

КУЙСИН


Хаёл сурмай яшаб бўлмас, хаёлингсиз хаёл куйсин,
Висолингга умидворман, умид куйса, висол куйсин.

Қуёшга ой ёнишганму, юзинг порлар узоқлардан,
Қошингдан ҳам нафис бўлса, янги чиққан ҳилол куйсин.

Чаман ичра кезар чогинг бўйнингга суқ назар солган,
Назокатда рақиб бўлган чаманда ҳар ниҳол куйсин.

Юзингда бир ҳарир парда сени асрар ёмон кўздан,
Жамолингни ниҳон тутса vale менга рўмол куйсин.

Таърифинг зўр, сўз топилмас, ишонмаслик ихтиёринг,
Агар Қобил топиб ёзмас, ғазалда ҳар мисол куйсин.



ИЗЛАБ

Умид бирлан яшаб келдим осуда бир макон излаб,
Хаёлимда кезиб юрдим висол бисёр замон излаб.

Ширин сўзга гадо бўлдим, қаён борсам маломат кўп,
Наҳот юрсам иложим йўқ заҳардан бол забон излаб.

Кезар бўлсанм баҳор боғин, чаман пайҳон қилинмишди,
Нетай кўкламда бўстонда ёшим ўтмиш ҳазон излаб.

Савол бисёр ҳаётимда, жавоб бермас биродарлар,
Юким енгил қилар дўстни юрарман ҳар қачон излаб.

Топарсанму, тополмассан, умиддан кечма, Қобилжон.
Умид қилган одамларни юрармиш баҳт ҳамон излаб.

МУНДАРИЖА:

Бешик	3
Ўзбекистоним	4
Она тилим	5
Андижонча	6
Оила ҳақида қўшиқ	7
Онажоним	8
Армонда қолма	9
Аёллар	10
Оқибат	11
Сингилга мактуб	12
1. Тинмагай соз	13
2. Чўлпонга қасида	13
3. Чўлпоним келур	14
4. Ассалом, Чўлпон	15
Дунё	16
Бу дунё	17
Ибрат	18
«Шеърларим»	19
«Қулоқни тиндиар...»	19
«Қақшаган асабдан...»	20
Ёлғизлик	21
Қайтиш	22
Нажот	23
Туш	24
«Қўчалар паришон...»	25
«Мен кеча..»	26
«Руҳим шундай...»	27
Юрагим	28
«Ҳаршимдан чиқдингиз...»	29
Пушаймон	30
«Эски қоғозларни...»	31
«Ташрифинг...»	31
Ҳаёллар	32
Хотира	33
«Зуккосиз...»	33
Мусича	34
«Не ажаб...»	35
Ихтиёр	36
«Қўнгил ғаш...»	37
Хитоб	38
Умид қилдим	39
Узоқлашдинг	39
Зарар бўлди	40
Ноилож	40
Куйсин	41
Излаб	41

Адабий-бадиий нашр.

Қобилжон Юнусов

Бу дунё. Шеърлар.

Муҳаррир: Қамчибек ҚЕҢЖА

Мусаввир: Қ. ЮНУСОВ

Техник муҳаррир: М. МИРЗАҚАРИМОВА

Мусаҳҳиҳлар: О. ШУКУРОВА,
М. КАРИМОВА

Босмахонага 06. 06. 2000 йилда берилди. Босишга 22. 06. 2000 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16 Ҳажми: 1,6 нашр табоқ Буюртма № 925 550 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Андижон» нашриёти босмахонасида юқори босма усулда босилди.

Манзил: Андижон шаҳар. Навоий шоҳкӯчаси, 71.

25а



Кобилжон Юнусов 1949 йилда туғилған. Андіжон Давлат педагогика институтининг филология факультетини битирған. Хозирда Бобур номли Андіжон Давлат университетида ишламоқда.

Педагогика фанлари номзоди. Шеър ва ҳажвий ҳикоялари анчадан буён республика матбуотида эълон қилиниб келинади. Интермедиалари республика телевидениесида намошиш қилингандай. А. Бакиров номли Андіжон ёшлиар театрида унинг «Карғиши урган уй» драмаси саҳналаштирилған.